Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 100 (3601)
ПАЙШАНБА
4 МАЙ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• *Техника янгиликлари*

МЕЛИОРАТОРЛАРГА ЯНГИ ЭКСКАВАТОР

1 Май байрами арафасида Тошкент экскаватор заводининг конвейеридан янги «Э — 304Г» маркали дастлабки серияли машиналар тайёрлаб чиқарилди. Корхонанинг бундан аввалги маҳсулотлари сингари бу экскаватор ҳам мелиорация ишларини ўтқазишга — каналлар, котлованлар ва зовурлаб қазишга, заҳкаш ва ботқоқ ерларни тупроқ билан бостиришга мўлжалланади.

Экскаваторнинг моторесурси 5600 соатдан 6500 соатгача кўпайди. Конструкторлар машинистнинг меҳнат шароитини яхшилашга алоҳида эътибор бердилар. Пневматик бошқариш системаси ишни анчагина енгиллаштирди, ричагларни жойлаштириш схемаси соддалашди, кабина қулай бўлди: пенопласт ва ёғоч-толали плиталар ишчини шовқиндан ва кеснинг температура ўзгаришларидан муҳофаза қилади.

Машина анча «чаққон» бўлиб қолди: гусеницалари бир маҳалда турли йўналишларда ҳаракат қила олади. Гусеница системасида заводнинг ёпиқ типдаги подшипниклари қўлландики, улар иш жараёнида мойлашга муҳтож эмас. Чўмич шакли ҳам ўзгарди: у зовурлар қазишга қулайроқ бўлиб қолди.

Беш йилликнинг учинчи йилида мамлакатнинг мелиораторлари Тошкентдан мингга яқин шундай машиналар оладилар.

(ЎзТАГ).



Тошкент Советининг 50 йиллиги номли вагонремонт заводининг аҳил коллективи беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини муддатидан илгари адо этиш, пландан ташқари 4 та троллейбус ва 4 та трамвай вагонини ремонтдан чиқариш учун ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: корхона механика цехининг илғор ишчиси, цех комитетининг раиси Иброҳим Узоқов. У шахсий беш йиллик топшириқларини уч ярим йилда бажариш мажбуриятини олган.

Н. Хонкелдиев фотоси.

Икки қардош республика пойтахтлари мусобақаси

• *Социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилмоқда* | • *Меҳнат беллашуви шиори; қолоқларсиз ишлайлик* | • *Илғорлар тажрибаси — барчага*

Тошкент

Тошкентликлар Олмаота меҳнаткашлари билан беш йилликнинг учинчи йилидаги социалистик мусобақа бўйича шартнома тузиб, биринчи муҳим маррани эгаллашди. Шаҳар индустрияси 29 мартда маҳсулот реализация қилиш ва муҳим халқ хўжалиги буюмлари ишлаб чиқариш бўйича давлат топшириғини бажарди.

Саноат ходимлари КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1977 йил) Пленуми, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун курашни кучайтириш тўғрисидаги Мактубига амалий жавоб бериб, январь-март ойларида планга қўшимча 20.867 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Бунда саноат маҳсулоти ўсишининг 77,4 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтириш орқали эришилди. Буюмлар реализация қилиш ҳажмининг ўсиши ўтган йил шу даврга нисбатан 9,4 процентни ташкил этди.

Истеъмолчиларга ва ўхшаш корхоналарга белгиланган ҳажмда, номенклатурада ва ассортиментда маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномадаги мажбуриятлар асосан муваффақиятли бажарилди.

Мамлакат халқ хўжалиги квартал планига қўшимча беш экскаватор, 50 та пахта сеялкаси, 19 компрессор станцияси, 360 тонна сим, 83 километр сигнал-блокировка кабеллари, 56 тонна қоғоз, 150 тонна пахта мойи, 196 тонна синтетик ювиш воситаларига эга бўлди.

Мусобақада Ҳамза, Ленин, Октябрь, Киров, Куйбишев ва шаҳарнинг бошқа районлари меҳнаткашлари катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Жумладан, Олмаота шаҳрининг Авезов райони меҳнаткашлари билан ўзаро мусобақалашаётган Фрунзе райони меҳнаткашлари биринчи кварталда планга қўшимча, 1.311 минг сўмлик буюм бериб, социалистик мажбуриятларини 4,7 процент адо этдилар.

Меҳнат коллективларининг юксак ижодий активлигидан социалистик мусобақанинг кенг қулоч ёйиб, таъсирчанлиги ой сайин ортиб бораётганлиги ҳам гувоҳлик беряпти. Шаҳар коллективларида ростовликларнинг «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» ташаббуси кенг қулоч ёйди. Ҳозир шаҳарда биронта қолоқ корхона йўқ.

Меҳнат беллашувида ўнинчи беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажаришга аҳд қилган ишчилар намуна кўрсатишяпти. Тошкентда ҳозир мусобақанинг бундай пешқадамларидан 856 нафари бор. Булар самолётсоз Назрулла Маннопов, тўқувчи Нина Ершова, пойафзалчи Валентина Юнусова, приборсоз Зайтуна Каттабекова ва Анвар Муҳамедов, йигирувчи Шоира Холмуҳамедова, тикувчи-мотористка Зинаида Лебедева, бичувчи Валентина Ларионова каби машъал ишчилардир.

Шаҳардаги 45 корхона, жумладан кўн-мўйна заводи, шина ремонт, «Узбеккинодеталь» заводлари, қурилиш материаллари комбинати, кўн-галантерея фабрикаси, Модалар уйи каби корхоналар москваликлардан намуна олиб, беш йилликнинг уч йили топшириғини СССР Конституцияси кунигача бажаришга аҳд қилишди.

Сифат кўрсаткичлари ҳам яхшиланди. Биринчи кварталда шаҳар корхоналари 64 та буюмни фахрли беш киррали белгига аттестациядан ўтказишди.

Корхоналар қурилиш ва реконструкциялаш, турар жой биноларини фойдаланишга топшириш планларининг бажарилишига қурувчилар ва монтажчилар салмоқли ҳисса қўшдилар. Улар биринчи кварталда 101,5 миллион сўмлик капитал маблағларни ўзлаштирдилар. 90,2 минг квадрат метр турар жой ишга туширилди. Бу квартал планидан 8 минг квадрат метр кўпдир. Шаҳар қурилишларида Н. Злобиннинг бригада пудрати методи кенг оммалашяпти. Ҳозир Ўзбекистон пойтахтида 450 тадан ортиқ мана шундай хўжалик ҳисобидаги бригадалар ишлаб турибди.

Зарбдор вахтани шаҳар автотранспортчилари ҳам яхши ўтказиб, планга қўшимча минглаб тонна халқ хўжалиги юкларини ташидилар.

Олмаота

Олмаота ва Тошкент шаҳри меҳнаткашлари ўртасидаги анъанавий социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёйиб, жанговар, жонли характерга эга бўлиб боряпти.

Ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили биринчи кварталига якун ясалди. Олмаота шаҳри саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари ишчилари инженер-техник ходимлари, хизматчилари КПСС XXV съезди, партия Марказий Комитети декабрь (1977 йил) Пленуми қарорларига, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1978 йилда социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш тўғрисидаги Мактубига амал қилиб, ишда юксак натижаларни қўлга киритдилар. Жумладан, Қозоғистон пойтахти саноат маҳсулот реализация қилиш бўйича квартал топшириғини 102,0 процент, ишлаб чиқариш ҳажми бўйича топшириқни 102,2 процент бажарди. Белгиланганидан 8020 минг сўмлик кўп буюм реализация қилинди.

Меҳнат унумдорлигини ўстириш бўйича план 2,2 процентга ошириб бажарилди. Бунинг ҳисобига яллиғ маҳсулотнинг ўсиши 76,5 процентни ташкил этди. Асосий фондларни ишга тушириш бўйича давлат топшириғи 17,4 процентга ошириб бажарилди. Капитал маблағлар ҳажми топшириққа нисбатан 106,2 процентни ташкил этди. Турар жой майдонини ишга тушириш бўйича план 106,2 процент адо этилди. Қурилиш-монтаж ишлари топшириғи 6,2 процентни ташкил этди. Коллективларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида маҳсулот сифатини яхшилаш масаласи мунтазам диққат марказида турибди. Қатор корхоналарда сифатни бошқаришнинг автоматлашган системаси тўла жорий этилди. Мана шу туфайли фақат шу йилнинг ўзида Давлат Сифат белгисига 32 буюм аттестациядан ўтказилди. Бу муҳим ишда Ф. Дзержинский номли трикотаж бирлашмаси, ип-газлама комбинати, Биринчи Май номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси каби корхоналар намуна кўрсатишяпти.

Қурилишда Н. Злобиннинг бригада пудрати методи тобора кенг ёйилмоқда. Бунинг оқибатида объектларни қуриш муддати қисқариб, қурилиш-монтаж ва пардозлаш ишлари сифати яхшиланмоқда. Халқ хўжалиги ва аҳоли юкларини транспортда ташиш анча такомиллашяпти.

Меҳнат коллективларининг ишида ростовликларнинг «Қолоқларсиз ишлайлик» ташаббусини жорий этиб бориш муҳим омил бўляпти. Уларнинг ҳаммаси план топшириқларини муваффақиятли адо этишяпти. Ҳозир бригадалар, цехлар, участкалар ва айрим ишчилар ўртасида қолоқлар бўлмаслиги учун кураш кенгаймоқда. Бу Олмаота шаҳри ишлаб чиқариш коллективлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг биринчи даражали вазифасидир.

Москвадаги меҳнат коллективлари — Лихачёв номли автозавод, иккинчи соат заводи, «Қизил тонг» бирлашмаси меҳнат коллективларининг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, 3 мингдан ортиқ ишчи, 80 бригада, участка ва цехлар, корхоналарнинг бир қатор коллективлари беш йилликнинг уч йили топшириғини 1978 йилнинг 7 октябрига қадар бажаришга аҳд қилишди. Корхоналар орасида биринчи бўлиб бу ватанпарварлик ташаббусини Олмаотадаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени бинокомбинат ва «Главсельэнерго» бошқармасининг электромеханика заводи бошладилар. Улар СССР янги Конституциясининг бир йиллигига қадар уч йиллик топшириқни бажариш ва топшириққа қўшимча 1976-78 йилларда 2600 ва 700 минг маҳсулот беришга ваъда қилдилар.

С. М. Киров номли машинасозлик заводидаги учинчи даражали Меҳнат Шуҳрати ордени кавалери В. Ф. Биков бошлиқ бригада, Олмаотадаги оғир машинасозлик заводининг биринчи механика йигув цехидаги А. Н. Рябов бошлиқ чарҳловчилар бригадаси, Октябрь революцияси номли Олмота ип-газлама комбинатининг иккинчи йигирув-тўқув фабрикасидаги мастер ёрдамчиси А. Қубонишбоев бошлиқ бригадалар уч йиллик топшириқни 1978 йилнинг 7 октябрига қадар бажаришга аҳд қилишди.





Узбекистон пойтахтининг Халқлар дўстлиги проспектида 11-«Высотстрой» тресті хўжалиги ҳисобидаги участкасининг Ленин ва Қизил Байроқ орденли коммунист Мухтор Ҳабибуллаев бошлиқ комплекс коммунистик меҳнат бригадаси 4100 ўринли улкан кино-концерт залн қурилишини олиб бормоқда.

Чапдаги суратда: бригадир М. Ҳабибуллаев (ўртада) бригада аъзолари билан.

«Олмаотастрой» 15-қурилиш-монтаж бошқармасининг В. Шейко бошлиқ монтажчилар бригадаси Қозогистоннинг пойтахтида Н. Злобин методи бўйича турар жойларни бунёд этяпти (ўнгдаги сурат).

М. Нуриддинов ва М. Малиновский фотолари.

• *Беш йиллик вахтасида*

Муддатидан илгари

Булка-кондитер комбинати коллективи маҳсулот реализация қилиш бўйича беш йилликнинг учинчи йили тўрт ойлик планини муддатидан илгари бажариб, Биринчи Май байрамини муносиб меҳнат совғаси билан кутиб олди.

БУГУН

корхона аҳлининг тўрт ойлик планга қўшимча ишлаб чиқарган маҳсулоти 400 минг сўмликдан ошиб кетди.

Булка-кондитерчилар 30 апрелда байрам кўтаринкилиги руҳида меҳнат қилишиб, ҳар кунгидан 10 тонна кўп торт ишлаб чиқардилар. Байрам арафасида 150 хил маҳсулотдан бир неча ўн тоннаси савдо тармоқларига етказиб берилди.

Цехлараро социалистик мусобақада булочка ва кондитер цехлари карвонбошлик қилишяпти. С. Қосимов, Ш. Шоюсупов, Б. Акромов бошлиқ бригадалар ҳам коллектив ютугига салмоқли ҳисса қўшиб келишяпти.

ВАҚТДАН ЎЗИБ

БУГУН

3-ун заводи коллективининг ишлаб чиқариб, реализация қилган маҳсулоти 17 минг тоннадан ошди. Бу маҳсулотнинг минг тоннага яқинини коллектив топшириққа қўшимча ишлаб чиқарди. Ун тайёрловчилар жадал суръатда меҳнат қилиб, йиллик графикдан бир ҳафта илгарилаб меҳнат қилишяпти.

Завод коллективи Куйбишев районидаги саноат корхоналари орасида биринчи бўлиб Улуғ Октябрнинг 62 йиллиги байрамига қадар беш йилликнинг уч йили топшириғини бажариш ташаббуси билан чиқди. Ҳозир азаматлар мана шу ваъдасига яраша тер тўкишяпти.

Студентлар комсомолнинг 60 йиллигига

Ўзбекистон олий педагогика ўқув юртларининг Қўқонда бўлиб ўтган тўққизинчи студентлар илмий-назарий конференцияси Ленин комсомолининг 60 йиллигига бағишланди. Конференция қатнашчилари яллиғ мажлисларда ва секция мажлисларида партия тарихи, совет давлати, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг актуал проблемаларига бағишланган докладлар ва ахборотларни тингладилар, муҳокама қилдилар.

Жюри студентларнинг конференцияга тақдим этилган энг яхши ишларини Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги билан Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг дипломлари билан тақдирлади.

(ЎзТАГ).

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

★ Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Германия социал-демократик партияси ҳафталик «Форвертс» газетасининг саволларига жавоблари эълон қилинган.

★ Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети туркистонлик солдатлар, сержантлар, старшиналар, прапоршчиклар, офицерлар, генераллар, ветеранларни ажойиб юбилей— Қизил Байроқ ордени Туркистон ҳарбий округи ташкил этилган кунининг олтмиш йиллиги билан қизғин ва самимий қутлайдилар.

★ Қизил Байроқ ордени Туркистон ҳарбий округининг қўшинлари Ватанимизнинг жанубий чегараларини 60 йилдан буён мустаҳкам қўриқлаб турибдилар. Шаҳар жамоатчилиги ва пойтахт гарнизони жангчилари вакилларининг 3 май куни Тошкентда бўлиб ўтган йиғилиши ана шу шонли санага бағишланди.

«Ўртоқ» фабрикасидаги кўпстанокчилар

Тошкент «Ўртоқ» кондитер фабрикаси ўраш машиналарининг машинисти Жамила Бузурхонова 1 Май байрамини янги меҳнат ғалабаси билан кутиб олди. У корхонада биринчи бўлиб иккинчи беш йиллик ҳисобига ишлай бошлади. Жамила нормадаги битта ўрнига иккита ўраш машинасида хизмат қилмоқда. Шу билан бирга илғор ишчи бутун маҳсулотни биринчи тақдим этишдаёқ топширмоқда.

Корхонанинг кўпгина ходимлари Жамиланинг тажрибасини ўргандилар. 20 дан ортиқ киши меҳнатнинг тезкор усулларини ўзлаштирди ва Ж. Бузурхоновадан ўрнак олиб, иккитадан машинада ишлай бошлади. Булар орасида Вера Давидова, Елена Васильевна, Нафиса Воҳидова ва бошқалар бор.

(ЎзТАГ).

ТРАНСПОРТЧИЛАР САФАРИ

Илғор транспортчилардан бир неча группа байрам кунлари Иттифоқимизнинг бир қатор қардош республикаларига ташриф буюрдилар.

Масалан, 6-автотранспорт корхонасининг ўттизга яқин илғор ходимлари Латвия ССРнинг пойтахти — Рига шаҳрида бир неча кун меҳмон бўлиб турганларидан сўнг Тошкентга қайтиб келдилар. Улар байрам кунлари марокли ҳордик чиқариш билан бирга қардош республикаларнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

БУГУН

«ШУМ БОЛА» ЭКРАНДА

Май байрами арафасида «Ўзбекфильм» киностудияси ижодкорлари санъат ихлосмандларига янги асарларини тортик қилишди. «Шум бола» деб номланган бу фильм Ғафур Ғуломнинг шу номли қиссаси асосида суратга олинган. Шум бола образи шаҳримиздаги 11-мактабнинг ўқувчиси Абдураҳим Абдувоҳобов талқинида жонли, табиий чиққан. Асардаги бошқа асосий ролларни Ҳамза Умаров, Эргаш Каримов, Саъдихон Табибуллаев, Воҳид Қодиров каби таниқли санъаткорлар ижро этишган.

Сценарий муаллифлари Шуҳрат Аббосов ва Александр Наумов. Асарни режиссёр Дамир Салимов суратга олган.

Мажбуриятлар изидан

Ички резервлардан фойдаланиб

Киров район партия комитетининг мажлислар залида Собир Раҳимов ва Киров районлари партия-хўжалик активларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилганлар районлар ўртасидаги 1978 йил биринчи квартал социалистик мусобақаси якунини кўриб чиқдилар.

Мусобақадош районлар меҳнатчиларининг биринчи квартал иш якунлари тўғрисида Киров район партия комитетининг иккинчи секретари Ю. А. Чурсин ва Собир Раҳимов район партия комитетининг иккинчи секретари В. И. Мурашовлар доклад қилишди.

Докладчилар ҳар икки район меҳнат коллективлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Сибирь ва Узоқ Шарқ районлари бўйлаб қилган сафарини зўр қизиқиш билан кузатганликларини айтдилар. Меҳнаткашлар сафар якунларини қизғин маъқуллашмоқдалар.

Районларнинг меҳнатчилари Л. И. Брежневнинг ички резервларни янада самаралироқ фойдаланиш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, корхоналарнинг лойиҳа қувватларини тезроқ ўзлаштириш зарур, дейилган сўзларни жанговар программа сифатида қабул қилмоқдалар. Меҳнат коллективлари, партия ва хўжалик раҳбарларининг диққат-эътибори ишлаб чиқаришнинг «тор» жойини бартараф этишга, ҳар бир участкада ташкилотчилик ишларини кучайтириш ва интизомни мустаҳкамлашга қаратилган.

Бу борада мусобақадош районларда кўпгина ишлар қилинди. Жумладан, Киров райони меҳнатчилари асосий диққат-эътиборни ишлаб чиқаришнинг ички резервларини кидириб топишга ва улардан омилкорлик билан фойдаланишга қаратдилар. Саноат корхоналари коллективлари йилнинг биринчи квартал топшириғини муддатидан илгари бажардилар. Планга қўшимча 2.376 сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилдилар. Бу қабул қилинган социалистик мажбуриятни 376 минг сўмликка ошириб юборди. Саноат маҳсулоти реализация қилиш бўйича биринчи квартал план-топшириқларини ва социалистик мажбуриятларини районнинг барча меҳнат коллективлари уддалашди.

Кўпгина корхоналар меҳнатни тўғри ташкил этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш туфайли план-топшириқларини бир мунча ошириб бажаришга муваффақ бўлдилар. Улар орасида «Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Ўзбекэнергоремонт» корхонаси, вакцина ва зардоб илмий-тадқиқот институти, тамаки фабрикаси ва бошқа корхоналар бор.

Районнинг қурилиш ташкилотлари коллективлари асосий фондларни ишга тушириш бўйича биринчи квартал топшириғини 111 процентга адо этишиб, қувонарли ютуқни қўлга киритдилар. 2032 квадрат метр турар жой фойдаланишга топширилди.

Мусобақада Собир Раҳимов райони меҳнатчилари ҳам катта муваффақиятларга эришдилар. Район саноати фақат муқобил план ҳисобига 530 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Саноат қувватларини ишга тушириш, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш бўйича яна бир муҳим дадил қадам ташланди. Бу борада «Шарқ» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси, чинни ва агрегат заводлари, Тошкент ўйинчоқлар фабрикаси ва бошқа корхоналар жонбозлик кўрсатишди. Биринчи кварталда Собир Раҳимовликлар 300 тонна рангли ва қора металларни, 610 тонна ёқилғи, 910 киловатт-соат электр қувватини тежаб қолдилар. Бу қабул қилинган социалистик мажбуриятдагидан анча кўп демакдир.

Шу билан бирга, докладчилар районларда ҳали ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати кўнгилдагидек эмаслигини, айрим корхоналарда маҳсулот ҳажмининг ўсиши суст эканлигини ҳам таъкидлаб ўтдилар.

Актив йиғилишида сўзга чиққан «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош инженери Р. Ражабов, асбобсозлик заводи партия ташкилотининг секретари Т. Варавина, «Геологоразведка» заводи токари Н. Плотников, «Ўртоқ» кондитер фабрикасининг карамель ўраш машина машинисти Ж. Бузурхонова, агрегат заводи партия ташкилотининг секретари И. Усмонов ва «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси Ш. Ҳолмуҳамедовалар ўз корхоналари ва биргадаларн коллективларида беш йилликнинг учинчи йили учун кабул қилинган план ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши ва учинчи квартал учун белгиланган план ва мажбуриятлар ҳақида гапирдилар.

Партия-хўжалик активи йиғилишида Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг секретари Б. Ғ. Ҳалилов иштирок этди.

ТОШКЕНТ–ОЛМАОТА: ДЎСТЛИК,

Ўзаро ҳамкорлик асосида

МАНА олтинчи йилдирки, Тошкентнинг Фрунзе райони меҳнаткашлари Қозоғистон пойтахтининг Авезов райони коллективлари билан мусобақалашиб келяпти. Меҳнат беллашувида юксак натижаларга эришиш учун интилиш, олмаоталикларнинг тажрибасидан кенг фойдаланиш ўз самарасини берди.

Фрунзе район меҳнаткашлари КПСС XXV съездининг, партия Марказий Комитети (1977 йил) декабрь Пленуми тарихий қарорларини амалга ошира бориб, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежневнинг кўрсатмаларига амал қилиб, СССР янги Конституциясининг бир йиллиги шарафига социалистик мусобақани кенг кулоч ёйдириб, асосий техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили биринчи квартали топшириғини муваффақиятли адо этдилар.

Саноат маҳсулоти реализация қилиш бўйича план 101,6 процент бажарилди. Бу мажбуриятга белгиланганидан 5 процент кўпдир. Топшириққа қўшимча 2 миллион 267 минг сўмлик буюм ишлаб чиқарилди.

Белгиланган топшириқдан 1116 минг киловатт-соат кўп электр энергия тўқимачилик саноати учун, 31 минг сўмлик технологик ускуналар ва эҳтиёт қисмлар, 412 минг квадрат метр ипгазлама, 13 минг жуфт чарм пойафзал ва бошқа кўпгина маҳсулотлар тайёрланди.

Партия ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга муҳим эътибор беришяпти. Шу йилнинг биринчи кварталида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маданий-маиший ва рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш 15,8 процент ортди. Ҳозир районда 23 хил буюм Давлат Сифат белгиси билан тайёрланяпти.

Бу йил районнинг транспорт, қурилиш ва монтаж ташкилотлари яхши натижаларни қўлга киритишди. Биринчи кварталда асосий фондларни ишга тушириш бўйича план 113 процент бажарилди.

Бу муваффақиятларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Бу— олдинга қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун меҳнат коллективларини жалб этишда— партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг роли ортганлиги натижасидир.

Фрунзе район партия комитети ўз вақтида биринчи пойафзал фабрикаси, «Таштекстильмаш» заводи ва тўқимачилик комбинати ишчиларининг «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» шиори остида бошлаган ҳаракатини маъқуллаганди. Мана шунинг учун ҳам районда ростовликлар ва янгийўлликларнинг «Қолоқларсиз ишлайлик» ташаббуси кенг қўллаб-қувватланди. Натижада ҳозир районда бирон ҳам қолоқ корхона йўқ, барча саноат, транспорт ва маиший хизмат корхоналари, қурилиш-монтаж ташкилотлари биринчи квартал планини муваффақиятли уддаладилар.

Районда меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича мураббийлар кўп ишлар қилишяпти. 500 дан ортиқ мураббийга 900 га яқин ёш ишчи бириктириб қўйилган. Уларнинг сони тобора ортмоқда.

«Беш йилликнинг уч йиллик топшириғини 7 октябрга — СССР янги Конституциясининг бир йиллигига қадар бажарамиз» ҳаракати кенг оммалашяпти. Бу ватанпарварлик ташаббусини 4 корхона, 13 цех, 9 ишлаб чиқариш участкаси, 60 бригада, 9650 ишлаб чиқариш илғори қўллаб-қувватлади.

Сўнгги кварталда қурилишда Николай Зобнининг хўжалик ҳисоби методида ишлайдиган бригадалар 26 тага етди. Ҳозирги вақтда 50 дан ортиқ бригада свердловликларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, мажбуриятларни оз ишчи сони билан бажариш мажбуриятини олдилар.

Ижодий фикр эгаларининг ва тежамкорларнинг изланишлари ҳам самарали бўлди. В. И. Ленин туғилган куннинг 108 йиллигига бағишланган коммунистик шанбаликда фақат тежаб қолинган хом ашё, материаллар, ёнилғи мойлаш материаллари билан юз минг сўмликдан кўпроқ саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди, 110 минг тоннадан ортиқ халқ хўжалиги юклари, 90 минг йўловчи ташилди. Биринчи пойафзал фабрикаси ишчилари шу куни фақат тежалган хом ашё билан ишладилар.

Районимизнинг меҳнат коллективлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубидаги «Юксак меҳнат унумдорлигига эришиш учун айниқса янги техника ва меҳнатни илмий ташкил этишни жорий этишга, қўл меҳнатини камайтиришга эътибор бериш лозим», деган сўзларни ўзларига дастуруламал қилиб олишди.

Фақат шу йилнинг биринчи кварталида 155 та янги юксак унумли ускуналар ўрнатилди, янги техникани, илғор технологияни жорий этиш бўйича ярим миллион сўмга яқин иқтисодий самара берадиган 105 тадбир жорий этилди. Ишлаб чиқаришга 350 рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларини жорий этиш туфайли 300 минг сўмлик шартли тежамга эришилди. «Таштекстильмаш» заводи коллективи тўқимачилик машинасозлиги махсус конструкторлик бюроси мутахассислари билан ҳамкорликда янги П66 — 5М6 ва ПР150—1 йигирув машиналари яратиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар, ҳозир Р260—5 ва Р192—5 ростлаш машиналарини ишлаб чиқариш ўзлаштириляпти.

Фрунзе район билан мусобақада Авезов райони меҳнаткашлари ҳам яхши натижаларга эришдилар.

Шуни айтиш кўнгилликки, ўзаро меҳнат беллашуви иплари билан боғланган тошкентлик ва олмаоталик тўқувчилар А. Верзилина ва Л. Кочетова, Е. Губина ва В. Логвиненко, Н. Ершова ва С. Ўразгалиева, Ю. Корженецкая, Г. Сагандикова катта муваффақиятларни қўлга киритишди. Жумладан, Нина Ершова Тошкент тўқимачилик комбинатида биринчи бўлиб беш йиллик топшириқни бажарди ва ҳозир 1981 йилнинг май ойи ҳисобига ишлаяпти.

Районда тўқувчи Анна Верзилинанинг ташаббуси билан бошланган «Ёш ишчига — устоз маррасини» шиори остидаги ҳаракат кенгаймоқда.

Шу йилнинг бошида Фрунзе райони меҳнаткашлари делегацияси қардош Қозоғистон республикаси пойтахтида бўлиб, 1978 йилда Авезов райони билан мусобақалашиш бўйича шартнома тузадилар. Сафар қизиқарли ва фойдали бўлди. Тошкентликлар Авезов районининг қатор корхоналари ва ташкилотларида бўлдилар, илғор тажрибалар билан, партиявий-сиёсий ишларнинг ташкил этилиши билан танишдилар. Биз у ердаги ҳамма қимматли нарсаларни ўзимизга оламиз. Бу тажриба биз учун беш йилликнинг учинчи йилини топшириқларини бажаришда муҳим аҳамиятга эга.

С. СУЛТОНОВА,

Ўзбекистон Компартияси Фрунзе район комитетининг биринчи секретари.

МУСОБАҚА АВЖ ОЛМОҚДА

ОЛМАОТАНИНГ Авезов райони мана беш йилдирки, Тошкент шаҳрининг Фрунзе райони билан мусобақалашиб келяпти. Ҳар йили ўтказилаётган ишлаб чиқариш илғорларининг слётларида партия совет, касаба союз ва комсомол органларининг вакиллари, мазкур районларнинг ишлаб чиқариш илғорлари ва раҳбарлари мусобақага якун ясайдилар. Ўзаро иш тажрибасини ўртоқлашадилар, навбатдаги йил учун мусобақа шартномасини имзолайдилар. Шуни қувонч билан айтиш керакки, бизнинг бир қатор корхоналаримиз ҳам Ўзбекистон пойтахтининг корхоналари билан мусобақалашиб келяпти. Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги номли Олмаота ип-газлама комбинати Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик комбинати билан, трамвай-троллейбус ремонти заводимиз Тошкент вагон-ремонти заводи билан мусобақалашмоқда.

Анъанага айланиб қолган бундай дўстона меҳнат беллашуви ўзининг ижобий самарасини беришга қолмай, балки коллективларимизда ишни яхшилашга ёрдам бермоқда.

Районимиз корхоналари ва ташкилотлари коллективлари социалистик мусобақани давом эттириб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1978 йил планини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифатини ошириш учун курашни кучайтириш тўғрисидаги Мактубига жавобан янги оширилган социалистик мажбурият қабул қилдилар.

Маҳсулот реализация қилиш ва муҳим турдаги буюмлар ишлаб чиқариш топшириқлари бўйича олинган 1978 йил планини 27 декабрда бажариб, топшириққа қўшимча 7,2 миллион сўмлик, шу жумладан мукобил планга кўра 1,9 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш мўлжалланган. Меҳнат унумдорлигини ўстириш йиллик топшириғи 25 процентга оширилиб адо этилди.

Районимизнинг барча саноат корхоналари квартал план-топшириқларини муваффақиятли бажаришди. Маҳсулот реализация қилиш планини 102,7 процентга бажарилиб, топшириққа қўшимча социалистик мажбуриятдаги 1,8 миллион ўрнига 2627 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106,1 процентга кўпайган бўлса, меҳнат унумдорлиги 5,3 процентга ўсди.

Районнинг қурилиш ташкилотлари ўз кучлари билан пудрат ишлари планини 104,9 процент қилиб бажардилар. Натижада пландан ташқари 1382 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари маромига етказилди.

Транспорт ташкилотлари коллективлари юк ташиш планини 103,3 процентга уддалашган бўлса, пассажирлар ташиш бўйича олинган топшириқни 103,8 процент адо этдилар. Пировардида пландан ташқари 320 минг тонна халқ хўжалик юклари, 989 минг пассажир ташиб берилди.

Товар оборати плани район бўйича 100,9 процентга бажарилди. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари топшириққа қўшимча 177 минг сўмлик товар реализация қилдилар. Бу ютуқларнинг заминида бошланғич партия ташкилотлари, коммунистлар ташаббуси, ишчи ва инженер-техник ходимларнинг фидокорона меҳнати, ишлаб чиқариш новаторларининг тинмай изланишлари ва социалистик мусобақа иштирокчиларининг юксак меҳнат кўтаринкилигида КПСС XXV съезди ва Қозоғистон Компартиясининг XIV съезди тарихий қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш учун устойдил курашганликлари яққол сезилиб турибди.

Агар экономикамизнинг ривожланишини тезлаштирувчи, оммани илҳомлантирувчи кудратли куч— социалистик мусобақа бўлмаганида, халқ хўжалигининг барча тармоқларида ана шундай муваффақиятлар қўлга киритилмаган бўлур эди. Районда социалистик мусобақада 49 минг кишидан зиёд ёки ишчиларнинг 97,3 проценти иштирок этмоқда.

Ип-газлама комбинатида станокларга хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтириш ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. Бу ташаббуснинг ижодкори, СССР Олий Советининг депутати Т. М. Павлова ҳозирги кунда нормадаги 31 ўрнига 48 та тўқув станогида меҳнат қилиб, ишлаб чиқариш нормасини 122 процент адо этмоқда. У ҳозир 1980 йилнинг май ойи ҳисобига меҳнат қиляпти.

Кўпгина меҳнат коллективлари «Сифат беш йиллигига— ишчи кафолати», «Сафимизда қолоқлар бўлмасин», «Ҳар бир ишчининг юксак сифатли ишидан — коллективнинг юксак самарали меҳнатига» ва бошқа шиорлар остида меҳнат қилишмоқда.

Бу ташаббусни тўқимачилик меҳнат коллективи, 36 та цех ва участка, 233 та бригада ва 3 мингга яқин ишлаб чиқариш илғори қўллаб-қувватлади. Бу ташаббус ва районимиз илғорлари ҳамда бригадаларнинг, бир қатор корхоналар ва ташкилотларнинг социалистик мажбуриятлари, Қозоғистон Компартияси Олмаота шаҳар комитети ва область партия комитетлари томонидан мақтуланди.

Ҳар доимгидек, социалистик мусобақада коммунистлар пешқадамлик қилишяпти. Масалан, 4-таксопарк шофёри, КПСС аъзоси Т. Казачёв Октябрь юбилейи арафасида беш йиллик планни бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Қозоғистон ССР Давлат мукофотининг лауреати, тўқувчи Л. Кочетова, 1978 йилнинг 28 февралида беш йиллик планни адо этиб, беш йиллик мобайнида ўн йиллик планни бажаришга аҳд қилди. Ҳозирги кунда ип-газлама комбинатининг мастер ёрдамчилари Б. Дубков, В. Пантелеев ва А. Рамковлар беш йиллик топшириқни бажариб бўлдилар. Районда тўрт йиллик планни 30 киши адо этди. Улардан 14 киши коммунистлардир. «Алматапромстрой» трестининг 24-механизациялашган қурилиш бошқармасининг А. Колосовский бригадаси, ССР Олий Советининг депутати, тўқувчи Т. Павлова, йигирувчи В. Гридина ва бошқалар ана шундай илғорлар жумласидандир.

Авезовликлар 1978 йилни— зарбдор меҳнат йилига айлантириш, КПСС XXV съезди ва партиямизнинг декабрь (1977 йил) Пленуми қарорларини тўла амалга ошириш учун барча куч-ларини ишга солиб, астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Т. ҚОРАЕВ,

Қозоғистон КП Авезов район комитетининг секретари.



«ОЛМАОТА» ТЕПЛОВОЗ ДЕПОСИ.

Беш йилликнинг учинчи йили зарбдор вахтасида мазкур корхона коллективи фидокорона меҳнат қиляпти. Халқ хўжалиги юкларини ташиб бериш бўйича биринчи квартал давлат топшириғи ҳам муддатидан илгари бажарилди. Меҳнат беллашувида коммунистик меҳнат зарбдорлари, тажрибали машинистлар (чапдан-ўнгга) Т. Бойчугасев, А. Мальцев ва В. Костенко пешқадамлик қилишяпти. Улар поездларни моҳирлик билан бошқариб, бир неча тонна ёқилғини тежаб қолишди.

Зарбдор суръат

БРИГАДАМИЗ аъзолари тўғрисида қанча гапирсам ҳам оз. Бизда ҳар бир ишчи виждонан тер тўкади, ҳар бир ишчи ўзининг ҳалол меҳнати билан мактовга сазовор бўлади. Айниқса, монтажчиларнинг меҳнати диққатга сазовордир. Тўғри ташкил этилган социалистик мусобақа бизни яхши ишлашимизга ёрдам беряпти. Биз звенолар бўйича ҳар куни иш якунларини кўриб чиқиб, ҳафтанинг энг илғор меҳнатчисини аниқлаймиз, уни кўпчиликка намуна қилиб кўтарамиз.

Бир неча йил аввал менинг касбдошларим тошкентлик қурувчиларнинг чақириғини зўр қизиқиш билан қабул қилдилар. Шундай қилиб, тошкентлик монтажчилар бригадаси билан мусобақалаша бошладик. Кучли, моҳир рақиб билан мусобақалашиш доимо фойда келтиради.

Биз меҳмонда бўлдик, мусобақадош ҳамкасбларимиз ҳам ҳузуримизга ташриф буюришди. Чиндан ҳам биз мусобақадошларимиздан монтаж ишларини бошқариш методларини, меҳнатни тўғри ташкил этишнинг кўпгина фойдали томонларини ўргандик.

Бу йил олдимизда катта вазифалар турибди. Бригада йиғилишида ўз имконият ва резервларимизни ҳисоблаб чиқиб, юксак социалистик мажбурият қабул қилдик.

Жумладан, СССР янги Конституциясининг бир йиллигигача 28,6 минг квадрат метр турар жой биноларини монтаж қиламиз. Монтаж ва пайвандлаш ишларини фақат «яхши» ва «аъло» баҳоларга топширамиз. Ҳеч қандай жароҳатсиз ва авариясиз ҳамда интизомни бузмаган ҳолда ишлаймиз. Коммунистик меҳнат коллективи номига яраша меҳнат қиламиз.

Бригадамиз комбинатда биринчи бўлиб свердловсклик қурувчиларнинг беш йиллик топшириқини кам ишчи кучи билан жой биноларини бригадада бир ишчи кучи кам бўлгани ҳолда бажеришдир».

Монтажчилар свердловскликларни ташаббусини қўллаб-қувватлашга ҳозирлик кўраётган пайтда Олмаотадаги 3-таксопарк коллективи ҳам ўзбекистонлик ҳамкасбларини қўллаб-қувватлаш ташаббусини кўтариб чиқди.

Мен ҳам мана шу коллективда кўп йиллардан бери ишлаб келяпман. Бу йил биринчи квартал планини 107 процент адо этдим. Жамоатчилик ташвишлари ҳам етарли эди. Ҳамкасбларим маҳаллий комитет аъзоси, группа партия ташкилотчиси қилиб сайлашган. Шунингдек, ГАИнинг штатсиз инспектори ҳам ҳисобланаман.

Тошкентдаги 3-таксопарк коллективининг ҳам муваффақиятлари қувонарлидир. Буларнинг ҳаммаси мусобақани тўғри ташкил этилганлиги натижасидир. Ўзаро ҳамкорлик, бир-биримизга яқиндан ёрдам бериш коллективларда йилдан-йилга юксак меҳнат кўрсаткичларига эришишга ёрдам бермоқда.

Албатта, бу ерда смена топшириқларини ортиғи билан адо этишаётган монтажчилар, бригаданинг энг яхши пайвандчиларининг хизмати каттадир. Биринчи кварталда бригаданинг ветеранлари Анастасия Григорьевна Кушакова, Анна Ивановна Загородникова, Союзбек Турдалиевлар яхши меҳнат қилишди. Ёшлар ҳам чакки ишлашмади. Валерий Аброз, Александр Елфимовлар яқингинада армия хизматини ўташиб, бригадамизга келишган эди. Аммо улар коллективимизнинг тажрибали аъзолари билан теппа-тенг ишлашяпти. Ҳа, шу кунларда коллективимизнинг ҳар бир аъзоси самарали меҳнат қиляпти. Объектларни белгиланган муддатда топширомоқда. Хуллас, монтажчилар социалистик мажбуриятларда белгиланганидек тер тўкишмоқда.

У. МУКАШЕВ,

Олмаота уйсозлик комбинатининг монтажчилар бригадаси бошлиғи.

ҚОЛОҚЛАРСИЗ ИШЛАЯПМИЗ

Бизнинг ташвишимиз битта, у ҳам бўлса, биноларни тез ва сифатли қўришдир. Лекин ишларимизда бироз фарқ бор. Олмаота уйсозлик комбинатининг У. Мукашев, бошлиқ монтажчилар бригадаси Қозоғистон пойтахтида турар жой бинолари, қуради, менинг коллективим эса, Тошкентда маъмурий биноларни бунёд этади. Биз илгари ҳам ўзаро мусобақалашгандик, бу йил бу меҳнат беллашувини яна давом эттирляпмиз. Ҳар қалай, қозоқ ҳамкасбларимиздан анча нарсаларни ўрганяпмиз. Ўз навбатида улар билан ўз тажрибаларимизни ўртоқлашяпмиз. Эсимда, бундан бир неча йил муқаддам мен У. Мукашев билан учрашгандим. Аввал у Тошкентга келганди, кейин мен Олмаотага боргандим, бир-бирларимизнинг қурилиш объектларимизни кўздан кечиргандик. Ҳар гал ҳам учрашувдан яхши, таассуротлар билан кўп нарсани ўрганиб қайтгандик.

Агар олмаоталиклар ўзлари учун юксак марраларни белгилаган бўлса, биз ҳам худди шундай суръатни сақлаб қолишга ҳаракат қилдик.

Мен бошлиқ комплекс бригада Главпочтамтнинг тўрт қаватли биносини қўряпти. Ҳозир томини ёпяпмиз. Қурилиш-монтаж ишларини 1 декабрга бажаришга аҳд қилдик. Аслида бино пардоз учун тахт бўлиб қолди.

Олмаоталик ҳамкасбларимиз свердловсклик-ларнинг «Бригаданинг беш йиллик топшириғини оз ишчилар сони билан бажарамиз» ташаббусини қўллаб-қувватлашди. Коллектив мураббийликнинг бу методи Тошкент қурилишларида ҳам кенг оммалашди. Жумладан, апрель ойида менинг бригадамда 35 киши, ўрнига, 30 киши меҳнат қилди. Аслида сиз ўз кучларимиз билан бажарган иш ҳажмимиз (34,1 минг сўмлик) бригаданинг тўла составига белгиланганди.

Квартал топшириқини бригада 103 процент бажариб, 81,5 минг сўмни ўзлаштирди. Умумий муваффақиятлар билан бирга Сергей Ващенко, Виктор Гейд, Эргаш Хабибуллаев, Отто Киршинман, Камол Сайфутдиновнинг алоҳида хизматларини таъкидлаш лозим. Булар бир неча ўхшаш касбларни билган энг тажрибали монтажчилардир.

Коллективда қолоқлар йўқ. Бизнинг ишчи оиламизга Николай Подячов ва Иван Крилов яқингинга қўшилишганди. Ҳозир эса улар қурилиш касбини пухта эгаллаб, нормаларини тўла уддалашяпти. Бунда уларга ёшларнинг устози Михаил Харитонович Левада ёрдам берди. Бригадамиздаги қарийб ҳамма тажрибали қурувчилар бир пайтлар шу кишидан касб ўрганишган.

Коммунистик шанбалик куни бригадамиз тежалган материаллар билан ишлади. Умуман эса биз бу йил беш кубометр бетонни, икки тонна металл ва 30 кубометр тахтани тежашга аҳд қилганмиз. Қурилиш материалларининг айримларини рационализаторлик таклифларини жорий этиш орқали тежаяпмиз, лекин асосий қисми тежаб-тергаб хўжалик юритиш ҳисобига тежалярти. Битта тахта опалупкадан норма бўйича етти мартагача фойдаланиш мумкин. Биз эса ундан фойдаланиш муддатини икки баравар кўпайтиряпмиз.

Главпочтамт биноси келаси йилнинг учинчи кварталида фойдаланишга топширилади. Бригада объектни ўз вақтида ва сифатли тугаллаш учун қўлдан келган ҳамма ишни қилади. Апрель ойида июнь ҳисобига ишлаяпмиз. 7 ноябрда уч йиллик планни муддатидан илгари адо этиш ҳақида рапорт берамиз.

Ҳ. ҚОРАБОЕВ,

11-«Висотстрой» трести 17-қурилиш бошқармасининг комплекслашган бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

БИР - БИРИМИЗДАН ЎРГАНИБ

Ҳар икки коллектив ўртасидаги меҳнат беллашуви кўп йиллардан буён давом этиб келяпти. Биз олмаотаалик ҳамкасбларимиз билан хизмат кўрсатишнинг илғор иш усулларини, транспортнинг намунали техник ҳолатини сақлаш йўлларини ўртоқлашяпмиз. Керак бўлса аниқ ишлар юзасидан бир-биримизга ёрдам беряпмиз.

Социалистик мусобақа бизнинг коллективимизга ҳам ўз олдига қўйган вазифаларни муваффақиятли уддалашда қўл келяпти. Шофёрларимиз, айниқса ўтган юбилей йилида яхши меҳнат қилдилар. Улар Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятини муддатидан илгари бажаришди. 15 декабрда эса беш йилликнинг икки йиллик планини бажаргалигини ҳақида рапорт берди.

Бригадамиз 1977 йилнинг ўзида пландан ташқари 292,9 минг сўмлик даромад олган бўлса шунингдек бир миллион 122,4 минг километр ҳақ тўланган йўлни босиб ўтди. Меҳнат унумдорлиги эса 102,4 процентга ўсди. Ўтган йилнинг 1 декабридаёқ 517 нафар шофёр икки йиллик шахсий топшириқларни бажарганлиги тўғрисида рапорт берди. Шу йилнинг биринчи кварталида менинг ҳамкасбларим ҳам зарбдорона меҳнат қилишди.

Менинг ўзим эса йиллик топшириқни 1 сентябргача бажаришга аҳд қилиб, шунингдек пахта йиғим-терими мавсумида оталиқдаги хўжаликда пахта териш машинасини бошқариб, 180 тонна «оқ олтин» териб беришга бел боғладим. Менинг бу ташаббусимни юзлаб шофёрлар қўллаб-қувватлашди.

Шу кунларда москваликларнинг СССР Конституцияси кунигача 3 йиллик плантопшириқни бажариш ташаббуси кенг қўллаб-қувватланяпти. 395 нафар ҳамкасбим 1978 йилнинг 7 октябригача беш йилликнинг уч йили топшириғини бажаришга сўз беришди. Мусобақада коллективимизнинг пешқадамлик қилишига А. Шайдуллин, М. Ахроров, В. Лавренко, И. Гафуров, Р. Ношович, П. Арабули, В. Чопин каби шофёрлари катта ҳисса қўшиб келишяпти.

Р. МУҲАМЕДОВ,

Тошкент шаҳридаги 3-таксопарк шофёри.

Шиоримиз: ўзаро ёрдам

Тошкентдаги 3-таксопарк билан Олмаотадаги 3-таксопарк коллективлари ўртасидаги социалистик мусобақа кенг қулоч ёймоқда. У юксак меҳнат кўрсаткичларига эришишда, мавжуд резервларни қидириб топишда, пассажирларга хизмат кўрсатиш системасини яхшилашда катта ёрдам беряпти. Олмаоталиклар 1977 йил— юбилей йили планини муддатидан 12 кун илгари адо этишган эди. Топшириққа қўшимча 215 минг сўмлик иш бажарилган.

Ўнинчи беш йилликнинг учинчи зарбдор меҳнат йилида ҳам олмаоталик шофёрларнинг олдида масъулиятли вазифалар турибди. ВЛКСМ ва Қозоғистон ССР ҳамда Қозоғистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейлари шарафига зарбдор вахтада турган 3-таксопарк коллективи ялпи даромад бўйича биринчи квартал топшириғини 105,6 процент бажаришга, пландан ташқари 72,4 минг сўмлик фойда олишга муваффақ бўлишди.


Коллективимиз эса СССР Конституциясининг бир йиллигигача, яъни 7 октябргача беш йилликнинг уч йили планини бажариш ташаббусини биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлаган 2-бригада шофёрлари катта ютуққа эришдилар. 1978 йилнинг биринчи квартал чунига кўра, бу коллектив таксопарк бригадалари ўртасидаги мусобақада ғолиб чиқди.

Мен ҳам мана шу коллективда кўп йиллардан бери ишлаб келяпман. Бу йил биринчи квартал планини 107 процент адо этдим. Жамоатчилик ташвишлари ҳам етарли эди. Ҳамкасбларим маҳаллий комитет аъзоси, группа партия ташкилотчиси қилиб сайлашган. Шунингдек, ГАИнинг штатсиз инспектори ҳам ҳисобланаман.

Тошкентдаги 3-таксопарк коллективининг ҳам муваффақиятлари қувонарлидир. Буларнинг ҳаммаси мусобақани тўғри ташкил этилганлиги натижасидир. Ўзаро ҳамкорлик, бир-биримизга яқиндан ёрдам бериш коллективларда йилдан-йилга юксак меҳнат кўрсаткичларига эришишга ёрдам бермоқда.

М. КИСТИКПАЕВ,

Олмаота шаҳридаги 3-таксопарк шофёри.



ОЛМАОТА. 25 қаватли янги «Қозоғистон» меҳмонхонаси. **М. Малиновский фотолари.**

АКАДЕМИКЛАР ШАҲАРЧАСИ КЕНГАЙМОҚДА...

Куйбишев районидаги Академиклар шаҳарчаси тобора ўз чегарасини кенгайтириб бормоқда. М. Горький проспекти атрофида асосий кутубхона, электроника институтининг 6 қаватли корпуси, адабиёт институтининг баланд биноси ва бошқа бинолар қад кўтармоқда. Бу қурилишларнинг бош пудратчиси «Главташкентстрой»нинг 4-қурилиш бошқармаси ҳисобланади. Бир қатор объектларда ҳозир пардозлаш ишлари амалга ошириляпти.

Биология-органик химия институтининг олти қаватли биносини 38-қурилиш бошқармасининг М. Мухарлямов бошлиқ комплекслашган коммунистик меҳнат бригадаси коллективи бунёд этмоқда.

БУГУН

қурувчилар сўнгги қаватни монтаж қилишга киришдилар.

М. Мухарлямов бригадасининг кўпгина аъзолари СССР янги Конституциясининг бир йиллигигача — беш йилликнинг уч йили топшириғини бажаришга аҳд қилишган. В. Скоков, С. Валиев, М. Сафин каби қурувчилар шулар жумласидандир.

Байрамгача қурувчилар ўз объектларида умумий қурилиш ишларини батамом тугатишга ва пландан ташқари 2 минг сўмлик иш бажаришга аҳд қилдилар.

Биринчи Май байрами арафасида «Ташсельмаш» заводига Москвадан табрик телеграммаси келди. Унда тошкентлик

БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

машинасозлар 1978 йилнинг биринчи квартал Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунига кўра биринчи ўринни эгаллаб, СССР Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министр-

Соҳа корхоналари ўртасида илк бор

лиги ҳамда тармоқ касаба союзлари Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланганлиги ҳақида эълон этилган эди. Бундай катта меҳнат зафарига корхона коллективи кетма-кет 26 квартал мобайнида сазовор бўлмоқда.

Корхона коллективи шу йилнинг январь—март ойларида номенклатура бўйича буюмлар ишлаб чиқариш топшириғини муддатидан илгари бажариб, пландан ташқари 110 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Биринчи кварталда завод бош конвейеридан ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 130 та кўп «замонри кема» туширилди. Эндиликда биринчи марта бу машиналар Давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилмоқда.

15 нафар ишлаб чиқариш илғори тармоқ бўйича «Ўз касбимнинг устаси» — сифат аълочиси», деган фахрли унвонга сазовор бўлди.

2-бет. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4 МАЙ, 1978 й.

БЕЛЛАШУВ ВА ЎЗАРО ЁРДАМ

Муваффақият қандай туғилади?

Икки ўхшаш корхона — Тошкент тўқимачилик комбинати ва Олмаота ипгазлама комбинати коллективлари ўртасидаги мусобақа йилдан йилга кучайиб, тажриба алмашиш яхшиланмоқда.

Икки корхонанинг бирида тугилган ташаббусларнинг икки коллектив ўртасида кенг ёйилишига меҳнат илғорларининг социалистик мусобақа тўғрисидаги шартномалари ёрдам беряпти. Бундай шартномалар биринчи марта тузилаётгани йўқ. Ҳар икки комбинатда ҳам тошкентлик донгдор тўқувчи, биринчи беш йилликлар қаҳрамонлари, опа-сингил тўқувчилар Виноградовалар мукофоти лауреати Анна Сергеевна Верзилина ва олмаоталик ёш тўқувчи, Ленин комсомоли ва Қозоғистон ССР Давлат мукофоти лауреати Лидия Васильевна Кочетованинг ўзаро меҳнат беллашувини қизиқиш билан кузатишяпти.

Анна Сергеевна ўнинчи беш йиллик бошида иккита қимматли ташаббус билан чиққанди. У типовой нормадаги 24 станок ўрнига 48 станокка хизмат кўрсатиб, ўз участкасида ҳамма ускуналар эски бўлишига қарамасдан, барчани касб маҳоратини оширишга, юксак зичликда ишлашга дадил ўтиб, беш йиллик топшириқни муддатидан илгари бажаришга чақирди. Айни вақтда у «Ёш ишчига— мураббий марраси» шиорини ўртага ташлаб, Тошкентдаги 85-ҳунар-техника билим юртини янги битириб келган икки ёш ишчи билан уларнинг касб маҳоратини ошириб, юксак малакали ишчига айлантириш ва илғорлар сафига олиб чиқиш бўйича шартнома тузди.

Анна Сергеевнада олмаоталик мусобақадош дўстларига маълум қилса арзигулик ютуқлар бор. Беш йиллик бошидан бери у топшириққа қўшимча 370 минг метр газлама тўқиди. Ҳамма маҳсулотни биринчи сортда топширди.


Ўтган йили олмаоталик тўқувчи С. Ўрозгалиева билан мусобақада тошкентлик тўқимачи Нина Васильевна Ершова ғолиб чиқди. Бунинг таажжубланадиган жойи йўқ. У комбинатда ҳам барча кўп станокчилардан ўзиб, республика тўқувчилари орасида биринчи бўлиб, шу йил январь ойида шахсий беш йиллик топшириғини бажарди. Илғор ишчи бунга техникага хизмат кўрсатиш зонасини типовой нормадаги 24 станок ўрнига 64 станокка етказиш орқали эришди. Бундай юқори зичликда у топшириқни ўртача 113 процент бажариб, фақат аъло сифатли маҳсулот тайёрлаяпти.

Меҳнат унумдорлигини ўстиришда йигирувчи Ю. Корженевская ва мастер ёрдамчиси В. Горшков (Тошкент) олмаоталик тўқимачилар Г. Сагандикова ва В. Александров билан мусобақалашиб, меҳнат унумдорлигини ўстиришга эришишяпти.

Шуниси қувончлики, мусобақа илғорларига бутун коллектив тенглашишга ҳаракат қиляпти. Ўнинчи беш йиллик бошидан бери 1143 киши техникага хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтиришди. Комбинатнинг 719 илғор ишчиси мураббий бўлди ва ҳозир 839 кишини кўп станокка хизмат кўрсатишга ўргатаяпти.

Кўп станокчилар сони ортиши билан Биринчи май, комсомолнинг 60 йиллиги, СССР Конституциясининг бир йиллиги шарафига мусобақа кенгаймоқда. Бу биринчи кварталда маҳсулот реализация қилиш топшириғини 345 минг сўмликка ошириб бажариб, қўшимча 34,3 тонна калава, 274,3 минг метр сурп, 900 минг ғалтак ип тайёрлаш имконини берди.

«Тошкент оқшоми» коллектив мухбири — «Тўқимачилар овози» газета редакцияси.



Тошкентда янги шаҳарлараро автовокзал ишга тушмоқда. У дўстлик трассаси бўйича қардош Қозоғистон ва Қирғизистон пойтахтлари — Олмаота ва Фрунзени Тошкент билан боғлайди.

СУРАТДА: автовокзал залларидан бири.

ТРАНСПОРТ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАМИЗ

КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1977 йил) Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ўнинчи беш йиллигининг учинчи йилида социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисидаги Мактуби бизнинг автомобиль бирлашмамиз меҳнатчилари ўртасида катта қизиқиш туғдирди.

Бу ҳужжатни муҳокама қилиш даврида учта автоколонна, 39 бригада ва 1640 шофёр ҳамда ремонтчи беш йиллигининг уч йили планини 7 октябргача— СССР янги Конституциясининг бир йиллигигача бажаришга аҳд қилишди. Леонид Ильич Брежневнинг «Бугун кечагидан яхшироқ, эртага бугунгидан яхшироқ ишлаш керак» — деган сўзлари кўпгина автомобилчиларнинг жанговар шиори бўлиб қолди.

Ҳозир бирлашма автокорхоналарида 221 та шофёрлар бригадаси ишламоқда. Уларнинг 11 тасига «Коммунистик меҳнат бригадаси» деган ном берилган. 31 та бригада эса белгиланган вазифаларни бригада пудрати методи бўйича амалга оширяпти. Беш йиллигининг зарбдор меҳнати йили социалистик мусобақасида 2572-автоколоннанинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. Беспаев, В. Мурнов ва В. Кулчинский, 2588 -автоколоннанинг К. Дусенов ва В. Прокопенко, 2574-автоколоннанинг Л. Костенко ва В. Феля бошлиқ шофёрлар бригадалари пешқадамлик қилишяпти.

Автомобиль бошқармасининг 1978 йил социалистик мажбуриятлари янада тиниз. Олмаоталик автомобилчилар бу йил транспорт жараёнларини такомиллаштириб, иш самарадорлиги ва сифатини оширишга, марказлашган усулда юк ташиш доирасини кенгайтиришга, бригада пудрати методи бўйича юк ташишни жорий қилишга ва ҳар томонлама ривожлантиришга, юк ташувчи катта автопоездлар ва юк агрлаувчи прицеп ҳамда ярим прицеплар паркларини кенгайтиришга бел боғлаганлар. Бу шунингдек контейнер ва пакетда юк ташиш, меҳнатнинг хўжалик формаси ва норматив базасини ривожлантириш, корхоналарнинг гараж техника хизмати базасини кучайтириш, илмий-техника бўлими тадбирларини жорий этиш, ўхшаш транспорт корхоналари билан ҳамкорликни кучайтириш имконини беради.

Тошкент шаҳар марказлашган усулда юк ташиш трестининг автокорхоналари коллективлари бизнинг социалистик мажбуриятларимизни марказлашган усулда юк ташишнинг юқори процентга ва контейнер ҳамда пакетда юк ташиш ҳажмининг юксаклигини кўришиб, қизиқишиб қолишди. Биз эса меҳнат беллашувидаги «рақибларимиз» билан бу тажрибани ўртоқлашишга аҳд қилдик.

Натижада автомобиль бошқармасининг 1978 йил биринчи квартал ишлари самарали бўлди. Юк ташиш плани 104,0 процент, юк обороти плани 102,2 процент адо этилди. Пландан ташқари 432,2 минг тонна юк ташилиб. 3 миллион 728,9 минг тонна-километр юк обороти қилинди.

Қозоғистон пойтахтининг автомобилчилари партия чақириқларига жавобан 1978 йилни зарбдор меҳнат йилига айлантириш. Ўнинчи беш йиллигининг учинчи йили социалистик мажбуриятлари ва план-топшириқларини муваффақиятли бажариш учун бор кучларини ишга соладилар.

Н. ПАВЛОВ,

Олмаота ип-газлама комбинатининг тўқувчиси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Қозоғистон ССР Давлат мукофоти ва Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

ИЛҒОР ТАЖРИБАДАН ФОЙДАЛАНИБ

Беш йилликнинг учинчи йили план ва мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш учун мусобақа қизияпти. Трестнинг барча автокорхоналари меҳнаткашлари меҳнат беллашувига қўшилиб, юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларини қўлга киритишяпти. Автомобилчилар коллективи КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1976 йил планини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани кенг кулоч ёйдириш тўғрисидаги мактубини катта ҳаяжон билан кутиб олдилар. Бу мактубдаги транспорт системасининг ишини яхшилаш ва унинг самарадорлигини ошириш ҳақидаги сатрлар биз учун дастурламал бўлиб қолди. Жумладан, мактубда шундай дейилади: «...Бекор юришларни, ортиш-тушириш вақтида вақт йўқолишини камайтириш, транспортнинг барча турларининг юк ташиш имкониятларидан тўла фойдаланиш лозим».

Тошкент автотранспортчилари бу ҳужжатда айтилган кўрсатмаларга қатъий амал қилиб, шу йилнинг биринчи квартали топшириғини муддатидан илгари бажардилар. Планга қўшимча 206 минг тонна халқ хўжалик юклари ташилди, 3,5 миллион тонна километр юк оборот қилинди. Меҳнат унумдорлиги бўйича план 101,2 процент бажарилди.

Автомобилчилар белгиланган марраларни муваффақиятли эгаллашга ёрдам берадиган талайгина резерварни чшга солдилар. Жумладан, ҳаракатнинг рационал маршрутларини ишлаб чиқиш ҳисобига, йилнинг дастлабки уч ойида планга қўшимча 135,2 минг тонна халқ хўжалик юклари ташилди. Бу автомашиналарнинг бекор юришини 332 минг тонна-километрга камайтириш имконини берди. Транспортнинг самарадорлигини ошириш бўйича 2502, 2505, 2512, 2515, 2521-автокорхоналарнинг коллективлари, 3 ва 127-автоколоннаалар кўпгина ишларни қилдилар. Бу корхоналарда энг янги ва илғор тажрибалар кенг жорий этиляпти. 2515-автоколоннада агрегат цехи ўз вақтида ремонт қилинди, 2502-автоколоннада двигателларни текширадиган назорат-синов пункти ташкил этилди. 3-автокомбинатда электр механик подъёмниклар ишга туширилди. 2521-автоколоннада улаш узелини йигиш ва ажратиш бўйича унверсал стенд тайёрланди ва жорий этилди.

План ва социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишида СССР янги Конституцияси кунига қадар уч йиллик топшириқни бажариш мажбуриятини олган илғор ҳайдовчиларнинг ташаббуси кўп келди. Бундай мажбуриятларни 323 ҳайдовчи ва 35 бригада қабул қилди. 1 апрелда шонли сана шарафига қабул қилинган марраларни 126 ҳайдовчи бажарди. Булар орасида мусобақанинг 2502-автоколоннадаги У. Мардонов, 2515-автоколоннадаги С. Икромов, 3-автокомбинатдаги ҳайдовчи К. Хусанов, 141-автокорхонадаги В. Лисенко каби социалистик мусобақа илғорлари бор. Ҳозир илғорларнинг меҳнат календарида 1979 йил давом этяпти.

Тошкент ва Олмаота автомобилчиларининг ҳамкорлиги кун сайин мустаҳкамланиб боряпти. У ўзининг ижобий натижаларини беряпти, Тошкент шаҳар марказлашган усулда юк ташиш автомобиль трести меҳнаткашларини беш йилликнинг уч йили топшириғини бажариш учун курашга жалб этяпти.

М. АЛИЕВ,

Тошкент шаҳар марказлашган усулда юк ташиш автомобиль трестининг бошқарувчиси.

«ОЛМАОТА ВА ТОШКЕНТ АВИАКОРХОНАЛАРИ ЎРТАСИДА КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЙГАН СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПЛАНЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИШГА ВА КОЛЛЕКТИВЛАРНИ ДЎСТОНА ВА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШГА ЁРДАМ БЕРМОҚДА».

(Олмаота ва Тошкент авиаторларининг социалистик мусобақа бўйича шартномасидан).

Шиоримиз—ошкоралик, таъсирчанлик

1. Сизлар раҳбарлик қилаётган авиакорхона коллективлари 1978 йилнинг биринчи кварталида қандай марраларга эришдилар ва авиакорхона меҳнатчиларига социалистик мусобақа қандай ёрдам беряпти!

2. Сизларнинг фикрингизча, авиаторлар мусобақаси тажрибасининг қай томонларн бошқа меҳнат коллективлари учун характерли!

Тошкент авиакорхонаси командири Р. Л. ЛУТФИТДИНОВ жавоб беради:

1. Янги, 1978 йилнинг биринчи кунлариданоқ коллективимиз план-топшириқ а р н и муддатидан илгари бажариш ва сифат ва самарадорликни ошириш учун курашни қизитиб юборди. Бу ўз натижасини б е р д и. Участка пассажир оборотн плани 100,2 процентга бажарилди. Пландан ташқари Тошкент аэропортидан 10 мингга яқин киши жўнатилди. Почта буюмларини жўнатиш бўйича олинган топшириқ 106 процентга адо этилди. Олмаоталиклар билан меҳнат беллашуви тўғрисида тузилган шартномага кўра ёқилғи-мойлаш материалларидан тежаб-тергаб фойдаланиш масаласи коллективларнинг социалистик мажбуриятларидаги асосий пунктлардан биридир. Ҳозирда авиакорхонанинг ўнлаб экипажлари ўзларининг шахсий ҳисобларига кўплаб тонна ёқилғини тежаб қолганликларини қайд этиб қўйдилар.

Бу муваффақиятларни қўлга киритишда, албатта социалистик мусобақанинг роли жуда каттадир. Қачонки, сенинг ҳақиқий мусобақадош дўстларинг бўлар экан, у ҳолда меҳнат беллашувига мунтазам якун ясалиб борилиши табиий. Бу эса ҳар бир меҳнатчининг, бутун коллективнинг зиммасига юксак масъулият юклайди.

Аммо биз фақат мусобақалашибгина қолмасдан, балки бир-биримизга амалий ёрдам ҳам берямиз. Узоққа борибўтирмайлик. Мана бир мисол. Шу йилнинг бошида тошкентлик авиаторлар ТУ-154 самолётини бошқаришга муваффақ бўлдилар. Бу мураккаб, замонавий машинани ўзлаштириб олишимизда Олмаота авиакорхонаси инструкторлари бизга яқиндан ёрдам беришди.

Бизнинг коллективларимиз социалистик мусобақани ана шундай кенг ва ошкора маънода тушунмоқдалар.

2. Юқорида айтганимдек, ошкораликка ва натижаларни таққослашга катта эътибор беряпмиз. Масалан, биринчи квартал якуни билан танишиб, биз олмаоталиклардан қайси кўрсаткичлар бўйича ўзиб кетганлигимизни кўрдик ва қандай резервлар ҳисобига, қайси кўрсаткичлар бўйича улардан ўзиб кетиш учун ҳаракат қилишлигимизни билиб олдик.


Олмаота авиакорхонаси командири Д. А. ДУШИМОВ жавоб беради:

1. 1978 йилнинг биринчи квартал иш якунлари қувончли бўлди. Барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича планни ошириб бажардик.

Айниқса, участка пассажир оборотн топшириғи ортиғи билан адо этилди. Биз муваффақиятларга эришишда ўз навбатида тошкентликлардан минатдормиз. Масалан, биз уларнинг бутун хизмат ва бўлим коллективларини моддий стимуллаштириш д е к қимматли тажрибасини қўлладик. Бу эса ҳар бир участкада коллективнинг ишга бўлган масъулиятини ва меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам берди. Бирмунча тиниз дамларда бизга тошкентлик мутахассислар яқиндан ёрдам беришди. Жумладан. Олмаота авиакорхонасига қарашли ИЛ-18 самолётида тошкентлик учувчилар аъло даражада меҳнат қилишди.

Бизда худди тошкентликлар каби меҳнатчиларимиз намуна олишяпти. Масалан, олмаоталик авиаторлар орасида тошкентлик учувчи В. Алемаскинниг ўз экипажи билан беш йиллик топшириқни муддатидан илгари бажариш ташаббусининг издошлари қўплаб топилади. Ўз навбатида коллективимизнинг энг илғор кишилари ва уларнинг эришаётган ютуқлари тошкентлик авиаторларга ҳам мазлумдир.

2. Бизда ўзаро текшириш бригадалари мавжуд. Улар кўпгина ижодкорлари ҳисобланишади. Масалан. Тошкентдан келган ўзаро текшириш бригадаси бизга Олмаота аэропортидаги махсус автобаза ишини намунали ташкил этишга ёрдам лашган бўлишса. биз ҳам ўз навбатида учиш ва кўниш майдонларини қор ва ёмғирдан тозалаш бўйича ишлаб чиққан рационализаторлик таклифимизни яқиндан ўрганишдик.



Меҳнат Қизил Байроқ орденли Олмаота биноком-бинати. Бу корхона коллективи Қозоғистон пойтахтида биринчи бўлиб беш йилликнинг уч йили топшириқларини СССР Конституцияси қабул қилингач кунгача адо этиш ҳақидаги москваликлар ташаббусига қўшилди. Комбинат коллективи биринчи квартал давомида пландан ташқари 189 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) корхона илғор аппаратчиларидан Е. Шчикота, М. Гришмановская ва микробиолог М. Дмитриева.

И. Кенарский фотоси.

• *Кенг истеъмол буюмлари*

Олимпиада белгиси билан

Олмаотадаги кўн-галантерея фабрикаси портфель ва йўл сумкаларининг янги моделларини ялпи ишлаб чиқаришга тайёрлади. Уларнинг моделини рассом Е. Звягинцева, моделчилар Н. Мисик, В. Даниловский, З. Магдалюклар ишлаб чиқишди.

— Портфель ва сумкаларнинг бу ажойиб моделлари,— дейди фабрика эксперимент-тал лабораторияси бошлиғи Р. А. Цапенко,— олимпиада белгиси билан ишлаб чиқарилади.

БАЛИҚ ГАСТРОНОМИЯСИ КОМБИНАТИ

«Гидрорыбпроект» институтининг Қозоғистон бўлими. Бу ерда балиқ гастрономияси комбинати лойиҳаштирила бошланди. У Шимолий Қозоғистоннинг пойтахти Петропавловск шаҳрида қурилади.

Бу кудратли, юксак механизациялашган корхонадир. Унда ҳар куни 20 тонна океан балиғи маҳсулоти сотилади ва совутиш камераларида беш минг тонна балиқ сақланади.

«Гидрорыбпроект» институтининг Қозоғистон бўлими лойиҳаси билан худди шундай балиқ гастрономиялари Челябинск ва Сумн шаҳарларида қурилаяпти. Челябинск комбинати сутнасига 30 тонна маҳсулот сотади. Унинг холодильникларининг ҳажми Сумн ва Петропавловск шаҳарларидаги комбинатларнинг холодильник хўжалигидан икки баравар катта бўлади.

МАНА олти йилдирки, коллективимиз Тошкентдаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли тўқимачилик комбинати билан мусобақалашиб келяпти. Меҳнат беллашуви биз учун ишчи маҳоратининг чинакам мактаби, социалистик мажбуриятларни тўла ва ошириб бажаришнинг муҳим омилидир. Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишга туширилганлигига 45 йил бўлди, у бой меҳнат анъаналарига эга. Шу боисдан ҳам биз олмаоталиклар дўстларимиздан кўп нарсани ўргансак бўлади.

Коллективимиз 1977 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли уддалади.

Юбилей йилида СССР Олий Советининг депутати Т. Павлова, мастер ёрдамчиси Н. Митрофанов, А. Красильников В. Трофимов. В. Метлин ва бошқалар юксак маҳорат билан меҳнат қилдилар.

350 ишлаб чиқариш илғори москваликларнинг СССР Конституциясининг бир йиллигини меҳнат зафарлари билан кутиб олиш ҳаракатидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаб, беш йилликнинг уч йили топшириғини шу санагача адо этишга сўз бердилар.

Мен ҳам шу санага қадар катта маррани оширишда тошкентлик тўқимачилар билан тажриба айрибошлаш билан бир қаторда, ҳар бир иш жойида ишлаб чиқариш резервларини атрофлича қидириш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўляпти.

Комбинатда 22 коммунистик меҳнат мактаби. 112 иқтисодий таълим мактаби ишлаб турибди, уларда ишчилар тежаб-тергаб хўжалик юргизишга ўрганишади.

Тўқувчилар Н. Давиденко ва Б. Селеневага касб ўргатдим.

Энди ўз режаларим ҳақида бир оғиз гапирмоқчиман. Ўтган йилнинг октябрь ойида мен тўрт йиллик топшириқни адо этиб, иккн йил мобайнида Давлат Сифат белгиси билан 444 минг погонметр хом сурп тайёрладим. Кунлик топшириқни мунтазам 110—112 процент адо этдим. Бунга хизмат кўрсатиш зонасини икки баравар кенгайтириш орқали эришяпман. Тўрт йиллик топшириқни бажаргач, мен янги мажбурият олдим — СССР янги Конституцияси кунигача ўнинчи беш йиллик топшириғини адо этишга аҳд қилдим.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубига амалий жавоб бериб, мен илгари қабул қилинган мажбуриятларни қараб чиқдим ва анча оширилган мажбуриятлар қабул қилдим. Эндиликда мен СССР янги Конституциясининг бир йиллигига қадар беш йил-у уч ойлик топшириқни адо этиш учун интилияпман. Мана, шу йилнинг февраль ойида бригадамиз аъзолари, фабрикамиз ва комбинатимиз коллективлари мени беш йиллик топшириқни муддатидан илгари бажарганлигим билан табриклашди.

Белгиланган планларнинг муваффақиятли ҳал этилиши кўп жиҳатдан ҳам корхонамизда. ҳам Тошкент тўқимачилари билан меҳнат беллашувини олган илғор ҳайдовчиларнинг ташаббуси кўп келди. Бундай мажбуриятларни 323 ҳайдовчи ва 35 бригада қабул қилди. 1 апрелда шонли сана шарафига қабул қилинган марраларни 126 ҳайдовчи бажарди. Булар орасида мусобақанинг 2502-автоколоннадаги У. Мардонов, 2515-автоколоннадаги С. Икромов, 3-автокомбинатдаги ҳайдовчи К. Хусанов, 141-автокорхонадаги В. Лисенко каби социалистик мусобақа илғорлари бор. Ҳозир илғорларнинг меҳнат календарида 1979 йил давом этяпти.

Тошкент ва Олмаота автомобилчиларининг ҳамкорлиги кун сайин мустаҳкамланиб боряпти. У ўзининг ижобий натижаларини беряпти, Тошкент шаҳар марказлашган усулда юк ташиш автомобиль трести меҳнаткашларини беш йилликнинг уч йили топшириғини бажариш учун курашга жалб этяпти.

М. АЛИЕВ,

Тошкент шаҳар марказлашган усулда юк ташиш автомобиль трестининг бошқарувчиси.

Маҳорат мактаби



Ўзбекистон ССР Фанлар академияси геология ва геофизика институтининг физик тадқиқот усуллари лабораторияси.

СУРАТДА: лаборатория ходимлари (чапдан ўнгга) — лаборантка Фавзия Абдувалиева ва катта инженер Мубарак Мусаева «Микрозонд-46» электрон установкасида олинган минераллар анализига доир маълумотларни кўздан кечиришмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

«ВЕЧЕРНЯЯ АЛМА-АТА» ХАБАР ҚИЛАДИ

УСТАЛАР САНЪАТИ НАМОЙИШИ

Қозоғистон енгил саноатига қарашли «Сулув» фирма магазини мана бир неча кундирки, кўргазма залига айланган. Бу ерда илмий-тадқиқот ва конструкторлик-технологик ишлари координацияси бўйича мамлакат енгил саноат XII йиғилиш қатнашчилари Совети учун кўргазма очилди.

Кўргазмага қўйилган Иттифоқдош республикалар маҳаллий саноатларининг икки мингга яқин турли хил буюмлари қардош республикалар миллий амалий санъат усталарининг маҳоратини кўз-кўз қилмоқда. Бу буюмлар уй-рўзғор ва маданий-маиший ишлар учун мўлжалланган.

Болтиқ бўйи республикаларининг буюмлари янада қизиқарли. Бу ерда Латвия республикаси ўзининг энг кўп буюмларини намойиш этаётган республикадир.

ЕР ОСТИ ЙЎЛИ

Олмаотадаги «Дорводстрой» трестининг 2-қурилиш бошқармаси қурувчилари Баум ўрмонзори районида яна битта ер ости ўтиш йўлини бунёд этишмоқда.

Йўловчилар учун мўлжалланган бу тоннель Красногвардейский тракти билан боғланади. Чуқурлиги 2,5 метрга яқин бўлган бу йўлнинг узунлиги 46 метр бўлиб, унинг ички қисми плиталар билан безатилади.

Бу ер ости йўли, айниқса Қозоғистон ССР кўрлар жамиятининг ишлаб чиқариш корхонаси ишчилари учун катта қулайлик туғдиради.

КВАРТИРАЛАРИМИЗ УЧУН

Олмаотадаги экспериментал бадиий керамика заводининг янги участкасида шамот қоришмасидан буюмлар тайёрлана бошланди.

Бу буюмларнинг биринчи гуркуми — декоратив вазалар ва бошқа буюмлар «Сулув» махсус бадиий ҳунармандчилик магазинига отказиб берилди. У харидорлар томонидан яхши баҳоланди. Шу кунларда завод рассомлари бу ажойиб материалдан янги хил буюмлар ишлаб чиқариш устида иш олиб боришяпти.

Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи — 60 ёшда

◆ ВЕТЕРАНЛАР ДОИМО САФДА

ТАНКЛАР ЎТОЛМАДИ



...Прохоровка яқинида қўшинларимиз фашист танкларининг даҳшатли ҳужумларини қайтариб туришарди. Дахшатли машиналар артиллерия эгаллаб турган маррага саф тортиб кирарди. Аммо улар маррага етиб келмасданоқ бирин-кетин ёниб кетарди. Шу пайт гвардиячи сержант Кўчқор Қўшоқовнинг хаёлида фақат бир фикр ҳукм сурарди: ема қилиб бўлса ҳам душманни тўхтатиш керак!

Ана шу душман билан бўлган бсомон жангда Кўчқор ғолиб чиқди. Ватанимиз уни Қизил Байроқ ордени билан тақдирлади. Орадан кўп ўтмасдан Қўшоқовнинг кўкрагида учинчи даражали Шуҳрат ордени ва бир қанча жанговар медаллар пайдо бўлди. Улар фронт йўлларида босиб ўтилган жангу жадалларнинг гувоҳи. Бу йўл Тихорецк, Новороссийск ва Тамандан ўтган. Қаҳрамон жангчи Шауляй ва Данцигда ҳам фашист танкларини сафдан чиқарди. Аммо Ғалабага бир ой қолганида қаттиқ яраланди.

Урушдан кейин Қўчқор институтни тугатиб халқ судьяси бўлиб ишлади. Кейинчалик эса «Узсельтрансспецстрой» трестида кадрлар бўлимининг бошлиғи лавозимида ишлади. Тинч қурилиш йилларида ҳам уруш ветерани фидокорона меҳнат қилмоқда. У бир неча марта фахрий ёрлиқлар билан мукофотланди. Аммо у жанг йилларида олган мукофотлари билан кўпроқ фахрланади. У бу мукофотларни ҳозир ҳам жангчи кийимига қадаб қўйилган ҳолда сақламоқда.

П. ШАТРАШАНОВ,
истеъфодаги старшина, Улуғ Ватан урушининг ветерани.

Расмда: Қўчқор Қўшоқов.
Расмни **автор** чизган.

ШОНЛИ СОЛНОМА САҲИФАЛАРИ

Босмачилар ва ички контрреволюцияга қарши узоқ давом этган кескин кураш Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи жанговар таржимаи ҳолининг дастлабки саҳифаларини ташкил этади.

* * *

Жанговар хизматлари учун ўша даврнинг энг юксак мукофоти — Қизил Байроқ ордени билан 1-армиянинг қўмондони Г. Зиновьев, 3-Туркистон отлиқ дивизияси 2-бригадасининг командири К. П. Ушаков, шу дивизиянинг 13-отлиқ полки командири А. П. Скороход, 13-отлиқ полкининг ҳарбий комиссари К. И. Лукка, 3-Туркистон отлиқ дивизияси 16-отлиқ полкининг командири В. Н. Калугин, 16-отлиқ полкининг бўлинма командири И. З. Зацепин, 1-Черняев совет полкининг командири Т. Д. Соенко ва бошқалар мукофотланган.

* * *

Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округининг жангчилари ва командирлари Улуғ Ватан уруши йилларида Совет давлати Қуролли Кучларининг қаҳрамонона солномасига ёрқин саҳифаларни ёздилар. Туркистон ҳарбий округида тузилган ва тайёргарликдан ўтказилган қисмлар ва бирлашмалар Улуғ Ватан урушининг барча йирик жанглари ва операцияларида иштирок этишди. Немис-фашист босқинчиларига қарши жангларда кўрсатган мардлик ва жасорати учун 12 қисм ва бирлашма «гвардиячи» унвонига сазовор бўлган, 20 дан зиёд қисм ва бўлинмаларга фахрли Сталинград, Севастополь, Кировоград, Прага, Берлинск ва бошқа номлар билан аталиш ҳуқуқи берилган.

* * *

Туркистонлик 821 нафар жангчига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган. Округ учувчилари Т. Я. Бегельдинов, Л. И. Беда, С. Д. Луганский, И. Ф. Павлов, Аметхон Султон, К. А. Евстигнеев ана шу юксак унвонга икки марта сазовор бўлишган.

* * *

Туркистон ҳарбий округида тарбияланган беш аёл — А. Молдогулова, Е. Стемпковская, М. Маметова, Е. Пасько, М. Шчербаченко Ватанимиз душманларига қарши жангларда мардлик ва жасорати учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлишган.

* * *

11 нафар туркистонлик: Д. Қорақулов, К. Суюпов, К. Тулебердиев, Т. Эрйигитов, А. Сухамбоев, И. Скуридин, С. Баймагамбетов, С. Искалиев, П. Карелин, Б. Нсанбоев, А. Ошченков Александр Матросовнинг жасоратини такрорлашган.

* * *

Округнинг олти нафар шунқори Н. Гастелло-нинг жасоратини такрорлаган. Н. Абдиров, С. Морозов, П. Надежди-н, В. Синчук, П. Терьяев, М. Янко шулар жумласидан.

* * *

Республикамиз вакиллари Улуғ Ватан урушида Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишган. Улардан 120 мингдан зиёд киши орден ва медаллар билан мукофотланган, 280 нафар киши, шу жумладан 75 ўзбек жангчиси Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган.

* * *

6 минг нафар ўзбек хотин-қизлари эркаклар билан бир сафда туриб социалистик Ватанимиз душманларига қарши жангларда иштирок этишди. Ўзбекистон ССРнинг 109208 нафар граждани «Германия устидан ғозонилган ғалаба учун», 2 минг нафари «Венани озод қилгани учун», 664 нафари «Белградни озод қилгани учун», 1706 нафари «Берлинни ишғол қилгани учун», 5439 нафари «Варшавани озод қилгани учун», 6846 нафари «Прагани озод қилгани учун» медаллари билан мукофотланган. 5140 киши Кенингсбергни озод қилгани учун ва 1758 киши «Москва мудофаси учун» мукофотлари билан тақдирланган.



2-класс ҳайдовчиси Василий Кошмарчукка ишониб топширилган машина ҳамиша жанговар, тайёр ҳолда. У бунга техника билимларини пухта ўзлаштирганн, интизомлилиги, Ватан олдидаги ўз бурчини яхши тушуниши туфайли эришмоқда. Жанговар ва снёсий тайёргарлик аълочиси сержант В. Кошмарчундан бўлинмадаги кўпчилик ёш жангчилар ўрнак олишмоқда.

А. Асанов фотоси.

ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

Округ офицерлар уйида Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округининг 60 йиллигига бағишланган илмий-тарихий конференция бўлиб ўтди. Конференцияда Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, гражданлар ва Улуғ Ватан урушларининг ветеранлари, Туркистон ҳарбий округининг ветеранлари, туркистонлик ҳарбий жангчилар, шаҳар ёшларининг вакиллари иштирок этишди.

Ҳарбий кенгаш аъзоси, Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи снёсий бошқармасининг бошлиғи генерал-лейтенант В. С. Родин йиғилганларни шонли сана билан табриклаб, Туркистон ҳарбий округининг халқ ва Ватан олдидаги буюк хизматларини таъкидлаб ўтди. Республика «Билим» жамиятининг илмий методика ҳарбий билимлар ва ҳарбий ватанпарварлик тарбия бўйича илмий методика Советининг раиси, истеъфодаги генерал-лейтенант Ф. К. Норхўжаев Туркистон ҳарбий округининг 60 йиллигига бағишлаб доклад қилди. У туркистонлик жангчилар мамлакатимизнинг бутун тараққиёти босқичлари давомида халқнинг ишончли таянчи ва қалқони бўлиб хизмат қилганликларини таъкидлаб ўтди. Улар босмачиларни тугатиш даврида айниқса катта иш қилишди. 316-ўқчи дивизия составида қатнашган Туркистон ҳарбий округи жангчилари Москвани беқиёс жасурлик билан фашистлардан ҳимоя қилишди.

1966 йили табиий офатдан зарар кўрган Тошкент аҳолисига улар биринчилардан бўлиб ёрдамга етиб келишди. Улар қурган ҳарбий палаткалар уч минг оилага бошпана бўлиб хизмат қилди.

Н. МАТВЕЕВА.

● Ўтган кунларни эслаб

Жанглар ва йиллар ошиб

Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округининг жанговар тайёргарлигини оширишга И. Е. Петров катта ҳисса қўшган. У командирлик қилган даврда қисмларда Улуғ Ватан урушининг бой тажрибаларини ўрганиш бўйича катта ишлар амалга оширилди, янги жанговар техника жорий қилинди. Бу одамнинг ҳаёти ватанга хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир. У ёшлигидаёқ ихтиёрий равишда ҳаракатдаги армия сафига бориб қўшилди ва гражданлар урушида қатнашди. Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини тиклашда иштирок этди, босмачиларга қарши кўрашди. 1932 йилдан 1940 йилга қадар Иван Ефимович Петров Тошкент ҳарбий билим юртининг бошлиғи бўлиб ишлади. У ўзининг командирлик тажрибаси ва маҳоратини ёш командирларни тайёрлашга сарфлади. Уруш бошланиши арафасида дивизияга командирлик қиларди. Уруш йилларида унинг қўмондонлик таланти ёрқин намоён бўлди.

Генерал Петров қўмондонлик қилган қўшин Одесса шаҳрида 72 кун давомида ҳаёт-мамот жанги олиб борди. Бош қўмондонликдан буйруқ келмагунча шаҳар қўлда ушлаб турилди. У ҳамиша жанговар сафда, олдинги маррада бораётган жангчилар қаторида бўлар эди. У Одессадан энг сўнгги кишилардан бири бўлиб Севастополга жўнади. Бу ерда И. Е. Петров «Темир» генерал деб ном чиқаришга эришди. Севастополни қуруқликда ҳимоя қилаётган қўшинларга командирлик қилди.

Мен И. Е. Петров билан энг оғир жанг кетаётган пайтларда бир неча марта учрашиш бахтига муяссар бўлганман. Унинг босиқлиги ва қатъийлиги қўл остидаги кишиларнинг ҳаракатига дадиллик бахш этар, жасурлиги бошқаларга ибрат бўларди. Туапсе ва Новороссийск шаҳарларидаги қисм ва бўлинмаларнинг жангчилари уни ғоят ҳурмат қилишарди. Керчь шаҳрига ҳужум бошланиши арафасида мен генерал Петров қўлидан Қизил Юлдуз орденини қабул қилиб олдим. 1945 йилда у мен ва менинг полкдошларимни биринчи Украина фронтидан Ғалаба парадига олиб келди. Шуниси диққатга сазоворки, генерал Петров қўмондонлиги остида мудофаа қилинган тўрт шаҳар: Одесса, Севастополь, Новороссийск ва Керчь кейинчалик Қаҳрамон шаҳарлар бўлиб қолди. Бунда қандайдир бир рамзий маъно бор. Кейинчалик афсонавий генерал Петровнинг ўзи ҳам Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини олишга муяссар бўлди.

Биз туркистонлик жангчилар округимизга урушдан кейинги йилларда ҳам гражданлар ва Улуғ Ватан урушларининг қаҳрамони, буюк саркарда, самимий қалб эгаси ва талабчан инсон армия генерали Иван Ефимович Петров қўмондонлик қилгани билан ҳақли равишда фахрланамиз. Ҳозир республикамиз д а г и кўпгина кўча, мактаб, колхозларга унинг номи берилган.

Полковник Б. ЗАЙЦЕВ.

КАТТА ЮТУҚЛАР БИЛАН

Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округининг 60 йиллигини муносиб нишонлаш учун билим юртимизда социалистик мусобақа ташкил қилинди. Ҳар бир взвод ва бўлинмада ҳарбий санъат сирларини мукаммал эгаллаш ва замонавий ҳарбий техника сирларини пухта ўрганиш учун кураш борди. Юбилей арафасида беллашувларга якун чиқарилди. Бизнинг взводимизга биринчи ўрин берилди. Бу биз учун жуда катта фахрдир.

Билим юртимизда жуда кўп миллатларнинг вакиллари таълим олишади. Улар оталарининг жанговар анъаналарини давом эттириш билан бирга замонавий техника воситаларини ўз вақтида ўзлаштириб олишга муваффақ бўлишмоқда. Жанговар дўстлик ва ўзаро ёрдам курсантлар учун энг зарур одат ҳисобланади. Ҳудди шу нарса мураккаб техника сирларини пухта эгаллаб олишимизга ёрдам бермоқда.

С. АЗИЗОВ,
В. И. Ленин номли Тошкент олий умумқўшин командирлик билим юрти курсанти.

Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округининг музейи томошабинлар билан ҳамиша гавжум бўлади. Ҳар куни минглаб ҳамшаҳарларимиз, пойтахтимиз меҳмонлари туркистонлик жангчилар босиб ўтган шонли йўл ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатларни кўздан кечиришган бу ерга ташриф буюришади.

СУРАТДА: уруш ветерани Дмитрий Васильевич Корняков музей томошабинларига пулеметнинг тузилиши ҳақида ҳикоя қилмоқда. Унинг Улуғ Ватан уруши ҳақидаги эсдаликларини ҳамма қизиқиб тинглайди.

Н. Сидоров фотоси.



ЎРТОҚЛИК СУДЛАРИ АКТИВЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

Кейинги йилларда совет гражданларини қонун, ҳуқуқ-тартиботни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашда жамоатчиликнинг таъсир кучи масаласига тобора кўпроқ эътибор берилмоқда. Бу борада ўртоқлик судлари бош омиллардан бири десак, муболаға бўлмайди.

Ҳозирги пайтда шаҳримизда 1500 га яқин ўртоқлик судлари ишлаб турибди. Уларга илғор ишчи ва хизматчилардан 7 мингдан ортиқ киши сайланган. Шаҳримиз юстиция органлари ва халқ судлари ўртоқлик судлари тўғрисида мутгасил ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Масалан, халқ судлари қошида ўртоқлик судларига ёрдам кўрсатувчи халқ маслаҳатчилари Совети секциялари, махсус консультатив пунктлар тузилган бўлиб, маълум белгиланган кун ва соатларда ўртоқлик судларининг раислари ва аъзолари малакали мутахассислардан ҳуқуқ билимлари тўғрисида маслаҳатлар олишлари мумкин.

Район ижроия комитетларида юстиция ва суд органлари ўртоқлик судлари ишлари бўйича жамоатчилик Совети билан биргаликда ҳар кварталда ўртоқлик судлари аъзоларининг семинар-кенгаши ўтказиб турилади. Масалан, шу йил март ойида Юстиция министрлиги ҳамда касаба союзлари Тошкент область Совети билан биргаликда корхоналар, ташкилотлар, муассасалардаги ўртоқлик судлари раисларининг семинар-кенгаши ўтказилди. Семинар-кенгашда Ўзбекистон ССР юстиция министрининг ўринбосари А. И. Шчербаков нутқ сўзлади.

Саноат корхоналари ва қурилишларда прогуллар сабабли иш вақтининг бекор кетиши йил сайин камайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Масалан, 1977 йилда 1976 йилдагига нисбатан иш вақтининг йўқотилиши саноат корхоналарида 12.117 одам-кун, қурилиш ташкилотларида — 7.113 одам-кунига камайди. Бунда ўртоқлик судларининг муносиб ҳиссаси бор. Улар ўз фаолиятларини тўғри ташкил эта билиш, туфайли корхона ва ташкилотларнинг маъмуриятларига меҳнат интизомини мустаҳкамлашда катта ёрдам бермоқдалар.

В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба союз комитетининг иш тажрибаси бунга ёрқин мисол бўла олади. Бирлашма бўлинмаларида 77 ўртоқлик суди тузилган бўлиб, улар ишчи ва хизматчиларни меҳнатга, социалистик мулкка, социалистик жамият қоидаларига сидқидилдан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш борасида катта иш олиб бормоқдалар.

Завод касаба союз комитети ўртоқлик судлари фаолиятига мунтазам эътибор бериб келмоқда, цехларда ўртоқлик судлари ишлари билан боғлиқ масалаларни вақти-вақтида муҳокама этади, ўртоқлик судларининг раислари ва аъзолари билан семинар машғулотлари олиб боради. Бирлашмада тартиб ва ахлоқ қоидаларини бузиш ҳоллари йил сайин камайиб бораётганлиги ана шу ишлар натижасидир.

«Ташсельмаш», трактор заводларида, тўқимачилик комбинати, 2-автокомбинат, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети Гуруч ариқ, Новза маҳаллалари. 5-ЖЭКда ўртоқлик судлари яхши иш олиб бораётганлигини қайд қилиб ўтишга тўғри келади.

Шу билан бирга, ўртоқлик судлари ишларидан аксинча мисоллар ҳам келтириш мумкин. Бу камчиликларнинг бир қатор сабаблари бор. Масалан, баъзи корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, касаба союз ходимлари кўп ҳолларда ўртоқлик судларининг, жамоатчилик таъсир доирасининг аҳамиятини муносиб баҳоламайдилар. Кўпгина хўжалик раҳбарлари қоида бузувчиларга нисбатан интизом чораларини кўриш ёки мукофотдан маҳрум этиш билан чекланиб қоладилар. Фабрика ва заводлардаги касаба союзлари комитетлари кўп ҳолларда прогулчилар, ичкиликбозларга, интизомни бузувчиларга нисбатан принципиал муносабатда бўлмайдилар, бу ҳақдаги материалларни ўртоқлик судига топшириш тўғрисида ўзларига берилган ҳуқуқлардан фойдаланмайдилар. Бунинг натижасида кўпгина судлар ҳеч қандай иш қилмаяпти. Масалан, 1977 йилда 159-трестнинг 53-қурилиш бошқармасида прогуллар натижасида 467 одам-куни йўқотилди. Ана шу бошқармадаги ўртоқлик суди эса, меҳнат интизомини бузганлик тўғрисида борйўғи иккита ишни кўриб чиқди. Ўтган йили 207 одам-куни йўқотган чинни заводида ҳам шундай вазият кузатилди. Шулардан уч кишигагина жамоатчилик таъсири кўрсатилди. Бундай мисоллар оз эмас.

Масалан, Ҳамза район озиқ-овқат савдоси бўлимидаги ўртоқлик суди уч йилдан буён коллектив олдида ҳисобот бермаган ва қайта сайланмаган. Бу ҳол 31-ЖЭКда 1970 йилдан давом этиб келмоқда. Агрегат, экскаватор, Октябрь революцияси номли заводларда, «Узоргтехколхозстрой» трести, «Учқун» фирмасида шундай фактлар мавжуд.

Айтилганларга хулоса қилиб қўшимча қилмаизки, шаҳардаги ўртоқлик судлари ўз фаолиятларини бир мунча оширишлари керак. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд.

А. МАМЕДОВ,
Тошкент шаҳар ижроия комитети юстиция бўлими бошлиғининг ўринбосари.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

А. С. Пушкин номли маданият ва истироҳат боғида
20 МАЙГАЧА
ҲАР КУНИ СОАТ 19.00 ДА
АНВАРЖОН МУҲИДИНОВ раҳбарлигидаги
ЎЗБЕК ДОРБОЗЛАРИНИНГ
КАТТА ДОР ЎЙИНЛАРИ
ПРОГРАММАДА:
дор устида: **Абдулҳаким СОЛИЕВ, Зулхумор МУҲИДИНОВА, Музаффаржон МУҲИДИНОВ**ларнинг мураккаб дор ва чиғириқ ўйинлари;
дор остида: **Ҳасанбой УСМОНОВ, Тоҳиржон МУСАЕВ**ларнинг қизиқчилик ва масхарабозлик ўйинлари;
ўзбек паҳлавонлари: **Анваржон МУҲИДИНОВ** ва **Зокиржон УМАРОВ**ларнинг оғир вазнли тош ўйинлари.
9 май куни соат 12, 14.30, 17.00 да бошланади.
ДОР ЎЙИНЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!
Билетлар сотилмоқда.

Ленин, Октябрь революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси базасидаги
182-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978—79 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Автомобиллар ремонти бўйича слесарь, дурадгор, суворқчи-бўёқчи, ғишт терувчи, слесарь-сантехник; бульдозер, скрейпер, прицепли грейдер машинисти.

Билим юртига 8—10-синф маълумотидаги 15 га тўлган ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1—3 йил.
Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.
Билим юртини тугатганларга эгаллаб чиққан мутахассислиги бўйича диплом ва ўрта маълумот ҳақидаги (уч йил таълим олувчилар учун) аттестат топширилади.
Билим юртини тугатганлар В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилади.
Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганлар олий ўқув юртларининг сиртқи ва кечки бўлимларига, техникумларга конкурссиз қабул қилинадилар.
Ўқиш даврида ўқувчилар уч маҳал бепул овқат, форма, шунингдек, ишлаб чиқариш практикаси вақтида иш ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.
Ўқиш муддати доимий меҳнат стажига киради.
Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларнинг бўлиши шарт: директор номига ариза, автобиография, маълумот ҳақидаги ҳужжат, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, ҳарбий хизматга чақирилиш қоғози ёки ҳарбий билет, медицина справкаси (286-форма), яшаш жойидан, ота-онасининг иш жойидан справка, 6 та фотосурат (4х5 см. ҳажмида), меҳнат дафтарчаси (ишловчилар учун).
Қабул комиссияси ҳар куни (якшанбадан ташқари) эрталаб соат 9.00 дан 17.00 гача ишлайди.
Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳар, Куйбишев район, Багратион кўчаси 4-уй (17, 73-автобусларнинг «12-турар жой шаҳарчаси» бекати, 22-трамвайнинг «2-Шимоли-Шарқ» бекати).

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

4 МАЙ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

16.00 «Болаларга аталган шеърлар». 16.30 Янгиликлар. 16.40 «Қувноқ карусель». Мультфильм. 18.50 «Миллионлар ленинча университети». «Хатлар устида ўйлар». 19.30 «Рус романси». Программада М. Глинка, П. Булахов, А. Гурилев асарлари. 20.00 Ленин комсомолининг 60 йиллиги олдидан. «Буюк ялангоёқлар». Бадиий фильм. 21.30 «Бақт» информацион программаси. 22.15 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. ШВЕЦИЯ — СССР терма командалари. Прагадан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида— Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Сеҳрли қушча». Болалар учун мультфильм. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Касбим-фахрим». 18.45 «Жанговар постда». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Қизил байроқли Туркистон округи». Туркистон Ҳарбий округининг 60 йиллигига бағишланган кўрсатув. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Ёр ва диёр тароналари». Концерт. 21.30 Москва. «Бақт» информацион программаси. 22.15 «Биринчи курьер». Бадиий фильм. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Сиртдан ўқитган студентлар учун. Физика. 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 Реклама. 20.35 «Лаутарнинг скрипкаси». Телевизион фильм-концерт. 21.15 Сиртдан ўқитган студентлар учун. Назарий механика.

5 МАЙ — ЖУМА

МАТБУОТ КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Бақт» информацион программаси. 9.50 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.10 «Олға, болакайлар». 11.10 «Имтиҳон олдидан». Телевизион бадиий фильм. 12.15 «Киносаёҳатчилар клуби». 13.30 «Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб». Кинопрограмма. 16.15 «Шахмат мактаби». Разрядлилар учун. 16.45 «Москва ва москвaликлар». 17.15 «Жаҳон халқларининг ижоди».

17.45 «Қувноқ стартлар». 18.30 Янгиликлар. 18.40 «Бугун — матбуот куни». 19.10 Кёльн камер оркестри чалади. 19.25 «Буюк жасорат». Ҳужжатли фильм. Карл Маркс туғилган кунининг 160 йиллигига. 19.45 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. ЧССР—Канада терма командалари. Прагадан олиб кўрсатилади. 21.30 «Бақт» информацион программаси. 22.15 «Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ». Ёш ижрочиларнинг Бутуниттифоқ телевизион конкурси. 23.15 «Классик па-де-де». Фильм-б а л е т премьераси. Кўрсатув тугагач — Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Биосфера ва инсон». Биологиядан ўқув кўрсатуви. 12.00 «Волгада бир қоя бор». Телевизион фильм-концерт. 12.30 «Биосфера ва инсон». Биологиядан ўқув кўрсатуви (рус.). 13.00 Болалар «Санъат байрами»нинг ёпилиши.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Дилли Далли. Муркин паркда». Болалар учун мультфильм. 18.10 «Илмий коммунизм асосчиси». Карл Маркс туғилган кунининг 160 йиллигига. 18.30 «Половец рақслари». Телевизион фильм-концерт. 18.45 «Партиявий, халқчил». Матбуот кунига бағишланган кўрсатув. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Оламга саёҳат». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Матбуот ходимлари учун концерт. 21.30 Москва. «Бақт» информацион программаси. 22.15 «Гўза парваришини сифатли ўтказайлик». 22.30 «Телевидение экранида биринчи марта». «Чоллар учун эрмак». Кинокомедия. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Болалар учун фильмлар. 19.30 Ота-оналар учун консультация. 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 «Севги ҳақидаги қўшиқлар». Мария Кодряну куйлайди. 20.50 «Тошкент» телепрограммаси. 21.20 «Эркаклар хори». Телевизион фильм. 21.40 Сиртдан ўқитган студентлар учун. Сиёсий иқтисод.

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4 МАЙ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000: ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83, қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Р. 02401. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Чашр Д—1300.